

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**



**«ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ»  
ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ**

***ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ***

**22 апрель 2016 йил**

**Тошкент - 2016**

## МУНДАРИЖА

«Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни»  
 Республика иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани.  
 7. Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва менежменти. Маъруза тезислари  
 тўплами. –Т.: ТДТУ, 22 апрель, 2016.

Ушбу тўпламга 2016 йил 22 апрелда ўтказилган «Фан ва техника  
 тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни» Республика иқтидорли  
 талабаларнинг илмий-амалий анжуманининг «Ишлаб чиқариш  
 иқтисодиёти ва менежменти» ишўбасида иштирокчи-талабаларнинг  
 профессор-ўқитувчилар илмий раҳбарлигида ёзилган илмий мақолалари  
 киритилган.

1.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамova М.А., ТДТУ. Рақобат шароитида махсулотларни тижоратлаштиришда инновацион маркетингни ахамияти.....	7
2.	ИМФ талабаси Абдуқаюмов Х.Ғ., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	11
3.	Студент ФЭМ Зойиров О.М., научный руководитель д.э.н., проф. Саид-Джалолов Д.Р., ТГТУ. Особенности и тенденции развития информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане.....	13
4.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хусайнов Р.Р., ТДТУ. Саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини кўтаришда маркетинг стратегиялари ва тадқиқотларидан фойдаланиш.....	16
5.	Студент ФТУТК Махмуджонova М.М., научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Мировой опыт использования бенчмаркинга для развития автомобилестроения.....	19
6.	ИМФ талабаси Камолов Ф., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Исхаков Б.А., ТДТУ. Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар – иқтисодиётимиз ривожланишининг гаровидир.....	21
7.	Студентка ФЭМ Закирходжаева М., научный руководитель к.э.н., доц. Исхаков А.К., ТГТУ. Вопросы обеспечения качества управления и конкурентоспособности предприятия.....	22
8.	Студентка ФЭМ Инагамова М.Р., научный руководитель к.э.н., доц. Умарова Д.М., ТГТУ. Современные подходы к разработке стратегии диверсификации машиностроительных предприятий Республики Узбекистан.....	26
9.	Студент ФЭМ Қаюмов Ж.Ж., научный руководитель к.э.н., доц. Ибрагимова С.А., ТГТУ. Концепция и основные виды стоимостной оценки бизнеса.....	30
10.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хашимова С.Н., ТДТУ. Мехнат миграцияси ва унинг иқтисодиётга таъсири.....	32
11.	Студентка ФЭМ Раҳимова З.Х., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Совершенствование эффективного использования основных промышленно-производственных фондов.....	35
12.	Студентка ФЭМ Ташмухамедова К., научный руководитель ст. преп. Турсунова Н.Х., ТГТУ. Организация системы финансов предприятия.....	37
13.	ИМФ талабаси Юсубжанова Г.О., ТДТУ илмий раҳбар кат.ўқ. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Корхоналар иқтисодий ночорлигини тартибга солишда хориж тажрибалари.....	40
14.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат.ўқ. Урманова Д.Т., ТДТУ. Корпоратив низолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	42



продукцию; стоимости имущественного комплекса многономенклатурного предприятия по выпуску и продаже нескольких типов продукции; стоимости «бизнес-линии» или «дела» по выпуску и продаже той или иной продукции, включая, в отличие от оценки имущественного комплекса и обязательства (долги), возникшие или которые могут возникнуть в связи с данным (делом); ценности имущественного интереса в некотором льготном или обусловленном конкурентными преимуществами контракты (аналогично оценке такого контракта как нематериального актива).

ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., ТДТУ  
Илмий раҳбар и.ф.н., доц.Хашимова С.Н., ТДТУ

### МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Аҳолининг меҳнат миграцияси – бу иш кучининг миграцияси бўлиб, меҳнат миграциясининг куйидаги асосий турлари мавжуддир: [1] *шартнома асосида ишловчилар*. Бу ҳолда мигрантларни қабул қилувчи давлат томонидан уларнинг мазкур мамлакатда бўлиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилади. Миграциянинг бу тури асосан иш кучини мавсумий (масалан, кишлоқ хўжалиги, қурилиш) ишларга жалб қилиш билан боғлиқдир; *малакали кадрлар миграцияси*. Бунга юқори малакали мутахассислар ёки ишчиларни имтиёзли тартибда (юқори иш ҳақи, бошқа имтиёзлар ҳисобига) ишга таклиф қилиниши мисол бўла олади; *ноқонуний миграция*. Бу ноқонуний равишда бошқа мамлакатларда меҳнат фаолияти билан шугулланишдир; *қочоқлар*. Булар тоифасига ҳаёти хавф остида қолиши оқибатида бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлганлар қиради; *кўчманчилар*. Улар доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб борганлардир.

*Ҳудуд бўйича* ички ва ташқи меҳнат миграция фарқланади. *Ички меҳнат миграцияси* бир мамлакат иккисида, минтакалар, туман ва шаҳарлар ўртасида бўлади. *Ташқи меҳнат миграцияси* дейилганда иш кучининг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиши тушунилади. У куйидаги хусусиятларга эгадир: ривожланаётган давлатлардан ривожланган давлатларга меҳнат миграцияси; ривожланган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси; ривожланаётган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси. *Малака бўйича* юқори малакали ҳамда паст малакали иш кучи миграцияси фарқланади.

Меҳнат миграцияси *давомийлигига* қараб: *доимий ёки узоқ муддатга* мўлжалланган (бошқа мамлакатга доимий кўчиб кетиш ёки кишлоқ жойларидан шаҳарга доимий яшашга кўчиб кетиш); *вақтинчалик* (масалан, шартнома асосида бошқа мамлакатга муайян даврга ишлаш учун бориш); *мавсумий* (масалан, кишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш); *тебранувчан*

(иш кучининг бир ҳудуддан иккинчисига, масалан кишлоқ жойларидан шаҳарларга мунтазам қатнаб ишлаши). Меҳнат миграцияси, шунингдек, *қонуни ҳисобидан қонуний*, яъни мамлакатда амал қилаётган қонуничилик, халқаро ҳуқуқ нормалари, давлатлараро ҳуқуқий битимлар асосида ҳамда *ноқонуний* бўлиши мумкин.

Меҳнат миграциясида *донор мамлакатлар* (иш кучини экспорт қилувчилар) ҳамда *реципиент мамлакатлар* (иш кучини импорт қилувчилар) фарқланади. Умуман олганда меҳнат миграцияси реципиент мамлакатнинг иш кучига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, донор мамлакатларда эса иқтисодий фаол аҳолини иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилади. [2]

Меҳнат миграцияси донор мамлакатлар иқтисодига куйидагича ижобий таъсир кўрсатади: иш кучи экспорти мамлакат меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилади, яъни иш кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камаяди. Бу, айниқса, аҳолиси зич мамлакатлар (Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Туркия, Покистон)га ижобий таъсир ўтказиши; иш кучи экспорти донор мамлакатлар фуқароларига реципиент давлатларда янги замонавий мутахассисликларни ўзлаштириш, ўз малакаларини ошириш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради; иш кучи экспорти донор мамлакатларга кўшимча валюта кириб келиши ҳамда эмигрант ходимлар оила аъзолари турмуш даражасини ошириш манбаи ҳисобланади; донор мамлакатлар ўз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан шугулланидиган фирмалардан давлат бюджетига солиқ ундиради. Шу билан бир қаторда иш кучи миграциясининг донор мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсири ҳам мавжуддир. Улар куйидагилардан иборат: иш кучини экспорт қиладиган мамлакатлар ўз меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳоли маълум қисмидан ажраладилар; донор мамлакатлар иммигрант ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун сарфлаган маблағлари реципиент давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади; юқори малакали ва меҳнат бозорида гоят рақобатбардош иш кучи экспорти донор мамлакатлар ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқларида юқори малакали кадрлар тақчиллигига олиб келиши мумкин.

Иш кучи миграцияси реципиент мамлакатлар иқтисодиётига куйидаги ижобий самара келтиради: хориждан иш кучининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни таъминлаб, иқтисодиёт таркибидаги муайян тармоқларни жадал ривожлантиришга хизмат қилади; иш кучи миграцияси реципиент мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш учун харажатларини тежаш имконини беради; иммигрантлар ички бозорни ривожлантиради, чунки улар товар ва хизматларга талабни оширадилар; иш кучи импорти реципиент мамлакатлар компания ва фирмаларнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширади, чунки арзон иш кучи кириб



келиши натижасида ишлаб чиқариш харажатлари тежаллади; иммигрантларнинг вақтинчалик бўш маблағларидан реципиент мамлакатлар иқтисодийтини молиялаштириш учун фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Меҳнат миграциясининг реципиент давлатлар учун ҳам салбий томонлари мавжуддир. Улар куйидагиларда намоён бўлади: мамлакат иқтисодийти тармоқларининг хориж иш кучига қарамлиги ортади; ички иш кучининг маҳаллий меҳнат бозоридаги баҳоси пасаяди ҳамда хориж иш кучининг таклифи ортади. Шунинг учун ҳар бир давлат ўз миграция сиёсатини амалга оширади. Жумладан, қатор давлатлардан хориж иш кучи сифатига – уларнинг маълумоти, касб-малакаси, иш стажига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Австралияда иммигрантлар ишга қабул қилиниши учун ўз мутахассислиги бўйича камда уч йиллик иш стажига эга бўлишлари керак.

Ўзбекистонда аҳолининг туғилиш динамикаси куйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал  
Ўзбекистонда аҳолининг туғилиш динамикаси [3]

	ЙИЛЛАР					
	2010	2011	2012	2013	2014	2015
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>634810</b>	<b>622835</b>	<b>625106</b>	<b>679519</b>	<b>718036</b>	<b>734141</b>
Самарқанд	75213	73903	74137	82390	87833	88649
Фарғона	70622	67746	66989	73671	76697	79241
Қашқадарё	63861	64074	65225	71860	75649	78543
Андижон	59953	56662	58277	64239	67905	69562
Сурхондарё	51103	54114	52512	56539	60717	64424
Наманган	50799	52203	50603	56859	62285	61980
Тошкент	54830	53545	52875	55128	57848	58692
Тошкент шаҳри	39314	37889	38072	41647	42225	42802
Қорақалпоғистон Республикаси	37942	35840	38207	39100	40883	41345
Хоразм	35965	35116	34731	37858	40248	39543
Бухоро	34597	32948	34257	36743	38291	39352
Жиззах	25942	25191	25400	27484	29912	31887
Навоий	18409	18045	18067	19300	20116	20259
Сирдарё	16260	15559	15754	16701	17427	17862

Юқоридаги жадвалда кўриниб турибдики, Ўзбекистонда аҳолининг туғилиш динамикасида ўзгариш ўсиш тенденциясига эга. Республика

аҳоли бандлиги доимо талаб даражасида бўлишига қарамай, аҳолининг кичик қисми хорижий давлатларда малака ошириш, таълим олиш жараёнларида меҳнат фаолиятини ҳам кўрсатиш истаги мавжуд. Демак, Ўзбекистонда ҳам меҳнат миграцияси бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат миграцияси бўйича олиб борилган ушбу тадқиқотда куйидаги илмий-амалий хулосалар шакллантирилди: 1. Иш кучини импорт қилаётган мамлакатлар ёш бўйича ҳам муайян талаблар қўядилар. Меҳнат мигрантлари асосан 20-40 ёшда бўлишлари талаб этилади. Шу билан бирга хорижлик ишчилар, жумладан, Швеция ва Норвегияда тиббий кўрикдан ўтказилиб, ишга қабул қилинади. 2. Турли давлатларда иш кучи миқдорига квоталар белгиланади ёки молиявий ва вақт чекловлари ўрнатилади. Масалан, Грецияда грек миллатига мансуб бўлмаган ходимларни ишга ёллашда чекловлар ўрнатилган. Ирландияда эса меҳнат фаолиятини бошлаш учун мигрантлар муайян миқдорда маблағ тўлашлари талаб этилади. 3. Иш кучини қабул қилиб олувчи давлатлар меҳнат фаолияти давомийлигини ҳам белгилайдилар.

#### Адабиётлар

1. <http://www.ilo.org>.
2. Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. –Т.: Иқтисодийт, 2013. Б. 78.
3. <http://www.stat.uz>.

Студентка ФЭМ Рахимова З.Х., ТГТУ  
Научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ

#### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОСНОВНЫХ ПРОМЫШЛЕННО-ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ФОНДОВ

Важнейшим мобилизующим приоритетом на 2015 год должны стать сохранение устойчивых высоких темпов роста, макроэкономической стабильности и повышение конкурентоспособности экономики Республики Узбекистан.

Фондоотдача является наиболее общим стоимостным показателем степени использования основных производственных фондов. Для определения уровня фондоотдачи, соответствующего действительным условиям каждого предприятия в определенный отрезок планируемого периода в настоящее время все большее применение находят математико-статистические методы и прежде всего, методы корреляционного и регрессионного анализа. В связи с этим построена экономико-математическая модель фондоотдачи.